ХОРАЗМНИНГ ЎРТА АСР БРОНЗА КЎЗГУЛАРИ

© 2024. Бахыт Турганов

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Калит сўзлар. Бронза кўзгулар, Хоразм, ўрта аср ёдгорликлари, ўсимликсимон ва геометрик нақшлар, жуфт балиқ, кийик, сфинкс, зооморфли тасвирлар, Хитой намуналари, ислом санъати, иқтисодий ва маданий алоқалар.

Мақолада Хоразмнинг ўрта асрларга оид ёдгорликларидан қайд қилинган бронза кўзгулари таҳлил этилди. Мавзунинг хронологик чегараси VI–XIV асрлар билан белгиланади. Хоразм ёдгорликларидаги бронза кўзгуларининг келиб чиқиши қўшни минтақалардаги ўхшаш турлари қиёслаш асосида ўрганилди. Бронза кўзгулардаги трансформацион ўзгаришлар, янгиликлар аниқланди ва нақшларда безатилиш жиҳатларига кўра таснифланди. Хоразмнинг VI–XI асрлардаги ёдгорликларидан нақшсиз, қадимги анъаналар асосида тайёрланган кўзгулар топилган. Айниқса, Хоразмда XII–XIV асрларда геометрик, ўсимликсимон нақшларда безатилган ва зооморфли бронза кўзгулар кенг тарқалади. Бу даврда турли хил шакллардаги бронза кўзгуларнинг Хоразмга кириб келишида Олтин Ўрда ва Шарқий Европа кўчманчилар билан савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқалари асосий омил бўлиб хизмат қилади. Хоразмга импорт сифатида кириб келган бронза кўзгуларнинг баъзи шакллари маҳаллий заргарлар томонидан ўзлаштирилади. Ўрта асрлардаги бронза кўзгуларнинг Хоразм ижтимоий ҳаётидаги рамзий, эстетик, магик хусусиятлари ва илоҳий вазифалари тўғрисида тарихий маълумотларни беради. Мақолада бронза кўзгуларнинг Хоразм моддий ва маънавий маданиятида тутган ўрни ва аҳамияти ёритилди.

БРОНЗОВЫЕ ЗЕРКАЛА В СРЕДНЕВЕКОВОМ ХОРЕЗМЕ

© 2024. Бахыт Турганов

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Ключевые слова: бронзовые зеркала, Хорезм, средневековые памятники, растительные и геометрические узоры, пара рыб, олени, сфинкс, зооморфные изображения, китайские образцы, исламское искусство, экономические и культурные связи.

В статье проанализированы бронзовые зеркала, найденные в средневековых памятниках Хорезма. Хронологическая граница темы определяется VI–XIV веками. Происхождение бронзовых зеркал из средневековых памятников Хорезма изучается на основе сравнения с их аналогичными образцами из соседних регионов. Выявлены трансформационные изменения, новшества в бронзовых зеркалах и их классификация в соответствии с особенностями декорирования орнаментов. На памятниках Хорезма VI–XI веков отмечены зеркала и без украшений, изготовленные по старинным традициям. Особенно широко были распространены в XII–XIV веках бронзовые зеркала, украшенные геометрическим, растительным орнаментами и зооморфными изображениями. В этот период торгово-экономические и культурные связи с Золотой Ордой и кочевниками Восточной Европы послужили основным фактором проникновения

бронзовых зеркал различных форм в Хорезм. Некоторые формы импортных бронзовых зеркал Хорезма были освоены местными мастерами. В статье представлены исторические сведения о символических, эстетических, магических свойствах и сакральных функциях средневековых бронзовых зеркал в общественной жизни Хорезма в материальной и духовной культуре Хорезма.

Бронза кўзгулар – аёл-қизларнинг пардоз-андоз ва магик хусусиятга эга буюми сифатида бронза давридан маълум. Хоразмда дастлабки бронза кўзгулар Тозабоғёб маданияти (мил.авв. II минг йиллик 2-ярми) Байрам-қазған маконида топилган (Итина 1977: 133, рис. 67, 18). Унинг орқа томонига тугма тарзли даста ўрнатилган. Кўзгунинг диаметри 5-6 см бўлиб уларнинг ялтироқлигини доимий сақлаш учун юзаси теридан қилинган нафис пардозлагич билан ишқаб турилган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги қадимги, антик ва илк ўрта асрлар даврига оид бронза кўзгулар С. С. Сорокин (Сорокин 1961: 147–148), О. В. Обельченко (Обельченко 1962: 48–50), Б. А. Литвинский (Литвинский 1978: 73–105) тадқиқотларида ўрганилган. Жумладан, Б. А. Литвинский томонидан ғарбий Фарғона қабр-мозорлари топилмалари асносида қадимдан то илк ўрта асрлар давридаги бронза кўзгулар таснифланган, афсунгарлик ва рамзий хусусиятлари, даврлар оралиғидаги трансформацион ўзгаришлар ва янгиликлар тўғрисида мулоҳазалар билдирилган.

Шуни қайд этиш керакки, Ўрта Осиёнинг тарихий воҳалари, жумладан Хоразмнинг ўрта асрларга хос бўлган бронза кўзгулар тарихи шу пайтгача тизимли ўрганилмасдан келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, VI–VIII асрлардаги Куюккалъа некрополида, XI асрга оид Жигарбанд, XII–XIV асрларга оид Жанпиққалъа, Миздакхон, Шемаха қалъа, кўчманчилар мозор- қўрғонлари, карвон-саройлар ва қишлоқ маконларида кўплаб бронза кўзгулар топилган. Уларнинг ўртача диаметри 6 – 12 см бўлиб, бронзадан қуйма усулда тайёрланган. Кўзгулар асосан бешта гуруҳга ажралади.

1-гуруҳ. Нақшсиз кўзгулар. Хоразмда VI–VIII асрларга оид кўчманчилар даҳмаси Куюккалъа некрополи, XI асрга оид Жигарбанд, XII–XIV асрларга оид Жанпиқ қалъа ёдгорликларидан безатилмаган, нақшсиз бронза кўзгулар қайд қилинган.

I шакл. Безатилмаган, узун дастали бронза кўзгулар (1, 1-2-расм). Улар Хоразм сарҳадидаги кўчманчиларга оид Куюккалъа некрополидаги қабрлардан топилган (Ходжайов, Мамбетуллаев 2008: 136–137, рис. XXXVIII). Бронза кўзгулар некрополнинг 103, 118, 163, 183, 191, 228-сонли қабрларида VI–VII асрларга оид артефактлар билан бирга учрайди. Кўзгулар баъзи тафовутларига кўра икки хил: бирининг юзаси текис, иккинчиси чеккалари гардишли, дастасига нуқта тарзли нақшлар туширилган. Кўзгуларнинг диаметри 12 см, марказий қисми қалинлиги 0,3–0,4 см. га тенг.


Бундай дастали бронза кўзгулар архаик ва антик даврдан маълум бўлиб, катта хронологик даврда ва кенг географик ҳудудларда тарқалган.

Унга ўхшаш дастали бронза кўзгулар антик даврдаги Тупроқ қалъа ва бошқа ёдгорликларда учрайди (Городище Топрак-кала 1967: 121, рис. 59, 41).

Хоразмдан ташқарида, уларга ўхшаш бронза кўзгулар Волга, Урал бўйларидаги савромат ва сармат ёдгорликларида, антик даврга оид Ўрта Осиё ёдгорликларида учрайди (Литвинский 1978: 78–80). Ушбу гуруҳ ва шаклдаги бронза кўзгулар Ўрта Осиёда мил. авв. IV–II асрларга қадар учрайди. Милоднинг бошларидан уларнинг дасталари кескин кичрая бошлайди.

Афтидан, Куюккалъа кўзгулари кўчманчиларга хос бўлиб, авлоддан-авлодга мерос сифатида сақланиб келаётган муқаддас буюм бўлиши мумкин.

II шакл. Безатилмаган темир кўзгулар, (1, 3-расм). Дискнинг юзаси текис, орқа томони чеккалари гардишли ва марказида ярим айланасимон шишик мавжуд. Темирдан қуйма ясалган, кучли занглаган, диск орқасидаги тугма тарзли даста ёки тешик мавжудлигини аниқлаш мушкулдир.



1-расм. Кўзгулар. 1, 2, 4 – бронза. 3 – темир. 1, 2 – Куюк қалъа. VI–VII асрлар. 3 – Жигарбанд. XI аср. 4 – Жанпик қалъа. XII–XIV асрлар.

Рис. 1. Зеркала. 1, 2, 4 – бронза. 3 – железо. 1,2 – Куюк қала. VI–VII вв. 3 – Джигербент. XI века. 4 – Джанпык кала. XII - XIV вв.

Fig. 1. Mirrors. 1, 2, 4 – bronze. 3 – iron. 1, 2 – Kuyuk kala. 6th–7th centuries. 3 – Djigerbent. 12th century. 6 – Djanpyk kala. 12th–14th centuries.

Дискнинг диаметри 11 см, қалинлиги 0,5 см. Жигарбанд ёдгорлигининг XI асрга оид қатламларидан 2-дона топилган (Вишневская 2001: 92, рис. 37/6).

Ёдгорлик тадқиқотчиси фикрига кўра, темир кўзгулар эксперимент сифатида ясалган бўлиши мумкин. Сабаби, темир кўзгулар юзасини бронза кўзгулар каби силлиқлаш ёки ялтироқлигини доимий сақлаш мушкулдир.

Хоразмдан ташқарида, унга ўхшаш темир кўзгулар Қанқа ёдгорлигида (XI аср) ҳам учрайди (Богомолов, Гендельман, 1991: 143).

Айтиш мумкинки, темир кўзгулар Ўрта Осиёга араблар таъсири туфайли кириб келган. Арабларда темир кўзгу бахтсизликка қарши турувчи сакраль хусусиятга эга буюм, яъни тумор сифатида қадрланган.

III шакл. Безатилмаган, дастасиз бронза кўзгу (1, 4-расм) (Бўлоқ). XII–XIV асрларга оид Жанпиқ қалъадан топилган (ҚРСМ. Кп 3772/140 инв 254). Антик даврдаги Қойқирилган қалъа ёдгорлигида ҳам дастасиз бронза кўзгулар учрайди (Кой-крылган-кала 1967: 147, рис. 59; табл. XXVII, 24).

Уларга ўхшаш кўзгулар илк ўрта асрга оид Панжакент ва ғарбий Фарғона мозор-кўрғонларида кўплаб учрайди (Литвинский 1978: 86 – 90, табл.18).

Маълумки, Ўрта Осиёда бронза давридан узун дастали безатилмаган бронза кўзгулар кенг тарқалган. Уларнинг дастаси кичиклаштирилган анъанавий турлари илк ўрта аср ёдгорликларида учрайди.

Б. А. Литвинский томонидан Ғарбий Фарғона материаллари асосида узун дастали безатилмаган, бронза кўзгуларнинг ривожланиш динамикаси таҳлил этилган (Литвинский 1978: 76). Сўнгги бронза давридан антик даврга қадар узун дастали кўзгулар тарқалади. Антик даврдан илк ўрта асрларга қадар бўлган даврда дастаси нисбатан кичиклашган кўзгулар учрайди. Илк ўрта асрлардан кичик тугма тарзли дастаси чамбарак чеккасида ёки орқасида жойлашган бронза кўзгулар тарқалади.

2-гуруҳ. Ўсимликсимон нақшли кўзгулар. Хоразм ўрта аср ёдгорликларида орқа томони ўсимлик нақш билан безатилган ҳозирча фақат битта шаклдаги бронза кўзгулари учрайди.

I шакл. Гул ғунчалари перпендикуляр жойлашган кўзгулар (2,1-расм). Дастасиз, диаметри 6,1 см, қалинлиги 0,3 см. Кўзгулар XII–XIV асрлар Миздакхон некрополи ва ва Жанпиққалъа ёдгорликларидан топилган (ҚРСМ: Кп. 3772/28. инв 251; Манылов, Кдырниязов 1984: 75, рис. 4, 12).

Унга ўхшаш кўзгулар Хоразмга қўшни Сирдарё бўйидаги XII–XIII аср бошидаги Уйғарак ёдгорлигида ҳам учрайди (Толстов 1962: 285, рис.т183,т5).

Ўрта Осиёдан ташқарида, уларга ўхшаш кўзгулар XII – XIII асрларда Узоқ Шарқ (Шавкунов 1960: 234, рис. 5), Шарқий Европа (Федоров-Давыдов 1966: рис.13, X, 1), Жанубий Урал кўчманчилар ёдгорликларида учрайди (Иванов, Кригер 1988: рис. 4, 15; 13, 20).

Гул нақшлари билан қоплаш анъанаси мўғуллардан олдинги даврда Хитой ва Ислом санъатида мавжуд бўлган. Уларнинг безаклари одатда майда ва кичик ҳажмда бўлиб, паст, текис рельефда ингичка чизиқда бажарилади.

Ушбу кўзгулар XII–XIII асрларда Узоқ Шарқ, Шарқий Европа, Жанубий Урал, Сирдарё бўйлари ва Хоразм каби жуда кенг географик ҳудудларда тарқалган. Бундай кўзгуларнинг кенг ҳудудларда тарқалиши кўчманчи туркий халқлар миграцияси ва савдо-иқтисодий алоқалари билан бевосита боғлиқ.

3-гуруҳ. Геометрик нақшлар билан безатилган кўзгулар. Геометрик нақшларда безатилган кўзгулар Ўрта Осиёда, жумладан ғарбий Фарғонадаги милодий IV–V асрлардаги Ўрикзор, Баркорбаз, Исфара қабр-кўрғонларида учрайди (Литвинский 1978: 76). Геометрик нақшлар исломгача бўлган даврда туркий халқлар ҳунармандчилик буюмларида ҳам кенг тарқалган. Бундай бронза кўзгулар Хоразмнинг XII–XIV асрларга оид Жанпиққалъа ва Миздакхон ёдгорликларидан топилган (Доспанов 1992: 67). Улар ҳам безатилишига кўра, бир нечта гуруҳга ажралади.

I шакл. Айлана чеккасидаги ҳалқалар ўзаро туташтирилиб, занжир тарзда чамбарак ҳосил қилган ва ҳалқалар сони 12 та бўлиб. Кўзгу чеккаси гардишли ва марказида айлана жойлашган (2, 2-расм). Кўзгу дастасиз, диаметри 7 см, қалинлиги 0,3 см. (Доспанов 1992: 94). Кўзгу XII–XIV асрларга оид Жанпиққалъа ёдгорлигидан топилган.

Унга ўхшаш бронза кўзгу XII–XIV асрлардаги Миздакхон маҳаллаларидан ҳам қайд қилинган. Кўзгу дм 8 см (Тлегенова 2010: 77, рис.1.).Уларнинг аналогик шакллари Хоразмга қўшни худудларда учрамайди.

II шакл. Чамбар ичига тўртта ҳалқа симметрик жойлашган ва марказий қисмида айланасимон ҳалқа жойлашган (2, 3–4-расм). И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси санъати музейида (2-дона) сақланмоқда (ҚРСМ: Кп. 3772/27, инв 250; Кп 42395, Инв.1501). Кўзгу XII–XIV асрларга оид Жанпиққалъа ёдгорлигидан топилган.


Ҳар иккала кўзгунинг айланаси чеккасига ишланган дастаси синган. Уларнинг фарқли томони ҳажмида ва безакларидаги баъзи ўзгачаликларида ҳисобланади. Биринчи кўзгунинг диаметри 7 см, қалинлиги 0,3 см; иккинчи кўзгунинг диаметри 5,5 см, қалинлиги 0,2 см. Шунингдек, биринчи кўзгунинг марказий қисмидаги хоч гул ғунчаси тарзда ишланган, уни ўраб турган айлана ташқи томонидан кичкина ярим айланалар билан безатилган (2, 3-расм).

Иккинчиси оддий безатилган (2, 4-расм). Кўзгу марказидаги айланасимон ҳалқа ичига шишик нуқта туширилган бўлиб бошқа безаклар учрамайди.

Ушбу бронза кўзгуларнинг икки хил ҳажмда ясалиши ва безатилишидаги баъзи ўзгачаликлар Жанпиққалъа ҳунармандлари томонидан бундай шаклдаги кўзгуларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигидан дарак беради.

Аналогик жиҳатдан айнан ўхшаш безатилган бронза кўзгулар учрамайди. Лекин, 6 та бинафша гули тасвирланган бронза кўзгулар Узоқ Шарқда Хакасий, Краснояр ўлкасида Минусин тумани ва Чуй воҳаси ёдгорликларида қайд қилинган (Оборин, Савосин 2017: 22, рис. 1, 82–1, 86).

XII–XIV асрларда Шарқий Европа, Узоқ Шарқ ва Хоразмда ҳам тўртта ҳайвон (ит, кийик), тўртта қуш ва тўртта ҳалқлар тасвирланган кўзгулар тарқалади. Ушбу кўзгулар Хитой маданий алоқалари таъсирида шаклланган.



2-расм. Кўзгулар. Бронза. XII – XIV асрлар.
1 – Миздакхон некрополи. 2, 3, 4, 5 – Жанпиқ қалъа.
6 – Миздакхон маҳалласи.

Рис. 2. Зеркала. Бронза. XII – XIV веков. 1 – Некрополь Миздахкан. 2, 3, 4, 5 – Джанпык кала. 6- кварталы Миздахкана.

Fig. 2. Mirrors. Bronze. 12th–14th centuries. 1 – Necropolis Mizdakhkan. 2, 3, 4, 5 – Djanpyk kala. 6 – Quarters of Mizdakhkan.

III шакл. Чамбарнинг ички томонига қаратилган ёйсимон безатилган кўзгу (2,5–расм). Марказида айланасимон ҳалқа жойлашган ва ёйсимон базаклар ташқи чамбаракга туташган. Тугма тарзли дастаси кўзгу айланасининг ён чеккасига ишланган. Кўзгу диаметри 7 см, қалинлиги 0,2 см (ҚРСМ: Кп. 3772 /29–30. инв. 252–253) (2-дона). XII–XIV асрларга оид Жанпиқ қалъа ёдгорлигидан топилган.

Унга ўхшаш бронза кўзгулар Хоразмга қўшни кўчманчиларга оид Жанадарё бўйидаги ёдгорликларда (Рапопорт, Неразик, Левина, 2000: рис. 40, 11) ва Бухоро воҳасидаги Варахша массивидан ҳам топилган. Варахша массивидаги кўзгу мўғуллар босқинчилигидан сўнгги даврга оид ҳисобланади (Торгоев, Мирзаахмедов, Курбанов 2023: 64–65, рис. 72, 1).

Бундай бронза кўзгулар Хитойда Цинь сулоласи охири ва Ғарбий Хань сулоласи (мил. авв. III-II аср) ҳукмронлиги бошида тарқала бошлаган (Оборин, Савосин 2017: 10, 49, 64, рис. 1,3–1,5). Улар Олтой ўлкасидаги (мил. авв. II–I аср) ёдгорликларда учрайди.

Ушбу шаклдаги кўзгулар Хитой билан маданий алоқалар таъсирида исломгача бўлга даврда Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ҳудудида тарқалади. Ўхшаш кўзгулар Ғарбий Фарғонадаги исломгача бўлган даврдаги Исфара ва Қорамозор қурум мозорқабрларида учрайди (Литвинский 1978: 75, рис. 16, 5). Уларда бир-бирига параллель иккита айланасимон чамбарлар ички қисмига ёйсимон нақшлар ўзаро туташган. Асосий фарқи Ғарбий Фарғонадаги кўзгунинг орқа қисми марказида тугма тарзли ҳалқа мавжуд.

Хоразмда X–XI асрлардан кулолчилик буюмларини ёйсимон нақшларда безатиш анъанаси тарқалади. X–XI асрларга оид Замахшар ёдгорлигидаги сирли косалар, XII–XIV асрлар Жанпиққалъадаги хум қопқоғи ёйсимон безатилган (Манылов, Кдырниязов 1984: 75–76, рис. 4, 2).

Хоразмдан ташқарида, унга ўхшаш бронза кўзгулар мўғулларга қадар даврдаги Тяншань ёдгорликларида (Табалдыев 2011: 185, рис. 7–9) ва XII–XIV асрларда Шарқий Европа, Жанубий Урал бўйидаги мозорқўрғонларда учрайди (Иванов, Кригер,1988: рис. 4, 15; 11, 19). Улардаги ёйсимон безаклар марказий қисмидаги кичик ички чамбарга туташган (Федоров-Давыдов 1966: рис. 13, д, 1).

Афтидан, ушбу шаклдаги бронза кўзгулар ҳар бир минтақада ўзига хос локал ўзгачаликларга эга ҳисобланади.

Хоразмда XI–XIV асрларда ҳунармандчилик буюмларини ўсимликсимон ва геометрик нақиларда безатиш анъанаси кенг тарқалади.

4-гуруҳ. Зооморфли тасвирда безатилган кўзгулар. XIII–XIV асрларда Хоразмнинг Олтин Ўрда давлати шаҳарлари ва атрофдаги кўчманчилар билан маданий алоқалари таъсирида зооморфли бронза кўзгулар кенг тарқалади.

I шакл. Кўзгу айланаси чеккалари бўйлаб жуфт балиқ тасвирланган бронза кўзгулар (3, 1–3-расм). Улар соат йўналишида ҳаракатланаётган ҳолатда тасвирланган. XIII–XIV асрларга оид Жанпиқ қалъа (ҚРСМ: Кп. 3772/97, инв 86), Миздакхон ва кўчманчиларга оид Жаринқудуқ мозор-қўрғонларидан (Ягодин 1991: 161, рис. 51, III) топилган. Кўзгулардаги балиқ тасвири ўхшаш бўлсада, уларни қуршаб турган безаклари, ҳажми ва материаллари ўзига хос хусусиятларга эга.

1,1-шакл. Жуфт балиқ ва унинг атрофи токсимон нақшларда безатилган бронза кўзгу (3, 3-расм). Кўзгу марказида диаметри 1,5 см бўлган айланасимон шишик бор. Диаметри 8,7 см, қалинлиги 0,3 см (Тлегенова 2010: 78). Кўзгунинг бўлаклари Миздакхоннинг XIII–XIV асрларга оид маҳалласидан топилган.

Унга ўхшаш балиқ атрофи токсимон нақшларда безатилган кўзгулар Хитой, Узоқ Шарқ ва улар билан боғлиқ ҳунармандчилик марказларида учрайди.

Бундай бронза кўзгулар Узоқ Шарқдаги Чжурчжен маданиятида XII–XIII асрлардан маълум (Шавкунов 1960: 235, рис. 6).

1, 2-шакл. Жуфт балиқ ва марказий қисмида ҳар хил йўналишдаги тўлқинсимон рельефлар туширилган (3, 2-расм). Кўзгунинг юзаси текис, орқа томони чеккалари гардишланган. Диаметри 9 см. Кумушдан қуйма ясалган, дастасиз. Устюрт пасттекислигидаги кўчманчиларга оид Жаринқудуқ мозор-қўрғонлари гуруҳидаги қабрдан топилган.


Ёдгорлик тадқиқотчиси В. Н. Ягодиннинг таъкидлашича, кўзгу Узоқ Шарқ намунасида маҳаллий усталар ёки Олтин Ўрда шаҳарларида тайёрланган бўлиши мумкин. Ихтиолог олим, Л. П. Павловская фикрича, кўзгу тасвиридаги балиқ Орол денгизидаги маҳаллий турга оид ҳисобланади (Ягодин 1991: 161).

1, 3-шакл. Жуфт балиқ атрофига геометрик нақшлар туширилган кўзгулар (3, 1-расм). Кўзгу айланаси чеккасидаги дастаси синган, диаметри 7 см, қалинлиги 0,25 см бўлиб, Жанпиққалъанинг XII–XIV асрларга оид ҳунармандчилик маҳалласидан топилган. Бундай жуфт балиқ атрофига геометрик нақшлар туширилган бронза кўзгуларнинг аналогик турлари бошқа ҳудудларда учрамайди.

Жуфт балиқ тасвирли кўзгуларнинг келиб чиқиши Хитой санъати билан боғлиқ бўлиб, улар Цзинь сулоласи (1115–1234 йй.) даврида кенг тарқалади (Оборин, Савосин 2017: 36, рис. 1, 1190–1191). Ундан олдинги Ляо сулоласи (916–1115 йй.) давридаги бронза кўзгуларда тўртта балиқ ва тўртта қисқичбақа тасвирланган.

Жуфт балиқ тасвирли кўзгулар Узоқ Шарқ, Корея, Тяншань ва Шарқий Европадаги Янги Сарой, Булғор, Биляр худудларида кенг тарқалган (Федоров-Давыдов 1966: 82, рис. 13).

X–XIV асрларга оид Хоразм кулолчилик буюмларида ҳам балиқ тасвири учрайди (Кдырниязов 1989: рис. 9, 3). Жанпиққалъадаги XII–XIII асрларга оид сопол косанинг ички қисмида стилизацияланган ўсимликсимон нақшлар ва жуфт балиқ тасвирланган. Миздакхондаги қора сирланмаган косанинг пастки қисмида ҳам балиқ тасвири туширилган (Кдырниязов 1989: рис.17).



3-расм. Кўзгулар. 1, 3–5 – бронза. 2 – кумуш. 6 – (?). XII–XIV асрлар. 1, 4, 5 – Жанпиқ қалъа. 2 – Жаринқудуқ. 3, 6 – Миздакхон маҳалласи.

Рис. 3. Зеркала. 1, 3, 5 – бронза. 2 – серебро. 6 – (?). XII–XIV вв. 1, 4, 5 – Джанпык-кала. 2 – Жарынкудук. 3, 6 – квартал Миздахкана.

Fig. 3. Mirrors. 1, 3–5 – bronze. 2 – silver. 6 – (?). 12th–14th centuries 1, 4, 5 – Djanpyk kala. 2 – Zharynkuduk. 3, 6 – Mizdakhkan quarter.

Айтиш мумкинки, балиқ тасвирланган бронза кўзгулар XIII–XIV асрларда Хоразмнинг Олтин Ўрда давлати билан маданий алоқалари таъсирида маҳаллий ҳунармандлар томонидан ўзлаштирилган анъаналар асосида тайёрланган.

II шакл. Жанпиқ қалъадан топилган чопаётган тўртта кийик тасвирланган кўзгу (3, 4-расм). Уларнинг шохлари марказда ўзаро туташиб квадрат ҳосил қилган. Чопаётган кийиклар соат йўналишига қарама-қарши ҳолатда тасвирланган. Дастасиз, диаметри 6,3 см, қалинлиги 0,3 см.

Бундай кўзгунинг бир парчаси XIII–XIV асрлардаги Миздакхон ёдгорлигида ҳам қайд қилинган (Тлегенова 2010: 78, рис. 2).

Ушбу гуруҳдаги чопаётган жонзодлар тасвирланган кўзгуларнинг келиб чиқиши Хитой билан боғлиқ ҳисобланади. Хитойда Тан сулоласи (618–907 йй.) даврида ҳайвонлар ва токсимон ўсимликлар тасвирланган бронза кўзгулар пайдо бўлади. Чопаётган тўртта шер тасвири акс эттирилган бронза кўзгулар VII асрга тааллуқлидир. Ушбу тасвирлар рамзий мазмунга эга Шэн бўлиб, дунёнинг тўртта устуни маъносини англатган (Лубо-Лесниченко 1975: 16–18). Тан даврига (618–907 йй.) оид кўзгуларда асосан соат йўналиши бўйлаб, баъзида қарама-қарши ҳолатда чопаётган тўртта шер тасвирланган.

Уларга ўхшаш бронза кўзгулар Минусин ботиғида ҳам кенг тарқалган. Улардаги тасвирлар Ғарб билан маданий алоқалар оқибатида бир қанча трансформацион ўзгаришларга учраган. Жумладан, XI–XIII асрларда Волга бўйидаги Булғор давлатида уларнинг прототиплари (нусхалари) асосида ички чамбар бўйлаб соат йўналишига қарама-қарши чопаётган тўртта ҳайвон тасвирланган бронза кўзгулар тайёрланган.

Жанубий Уралдаги XII–XIV асрларга оид мозорқўрғонларда соат йўналишида чопаётган думи узун тўртта ит тасвирли бронза кўзгулар учрайди (Иванов, Кригер 1988: 19, рис. 4, 15; 11, 7). Итлар бир-биридан доиралар орқали ажратилган. Красная Речка (Қозоғистон) ёдгорлигидан ҳам чамбар бўйлаб чопаётган тўртта номаълум ҳайвон тасвирли бронза кўзгулар қайд қилинган (Байпаков, Терновая, Горячева 2007:131–132, рис. 210).

Хитойда пайдо бўлган ушбу гуруҳдаги бронза кўзгуларнинг трансформацион ўзгаришларга учраган шакллари Узоқ Шарқ, Минусин қўлтиғи, Волга бўйи, Жанубий Урал бўйи,

Қозоғистон ва Хоразм каби кенг географик худудларда тарқалган. Хоразм худудида ҳам антик ва ўрта асрлар даври амалий санъати анъаналарида кийик тасвири мавжуд бўлган. Жумладан, Тупроққалъа деворий расмларида ва X–XI асрларга оид Ҳайвонқалъа ёдгорлигидаги сирли сопол идишда ҳам очиқ фазода ҳаракатланаётган кийик тасвирланган.

Ҳар бир минтақа, жумладан хоразмлик ҳунармандлар ҳам ўзларининг анъанавий амалий санъатидан келиб чиққан ҳолда ушбу шаклдаги кўзгуларнинг маҳаллий локал вариантини яратишган.

III шакл. Жуфт сфинкс тасвирланган бронза кўзгулар. Қанотли, узун қуйруқли, одам бошли жуфт сфинкс тасвирли, ташқарисидаги чамбар бўйлаб “насҳ” ҳуснихатида араб ёзувлари битилган (фрагмент), диаметри 11 см. XIII–XIV асрларга оид Миздакхон маҳалласидан топилган (Торебеков, Кдырниязов М.-Ш. 1989: 464). Унга ўхшаш жуфт сфинкс – атрофига «ал борик» араб ёзувлари битилган бронза кўзгулар Минусин ботиғи, Шарқий Европа ва Красная Речка (Қозоғистон) ёдгорликларида қайд қилинган (Байпаков, Терновая, Горячева 2007:131–132, рис. 210).

Ушбу шаклдаги сфинкс тасвирли кўзгуларнинг келиб чиқиши бевосита Ислом санъатида зооморфли тасвирларни услублаштириш билан боғлиқ. Ислом санъатида одам қиёфасидаги жонзод жаннатдаги муқаддас ҳайвон сифатида эъзозланган (Лубо-Лесниченко 1975: 32). Бундай кўзгулардан биридаги араб ёзувлари таржимаси қўйидагича: «Шон-шараф ва узоқ умр, бахт ва буюклик, яхшилик ва ҳурмат, мартаба ва мақтов, ҳокимият ва бойлик, асрий қудратли ҳукмдорлик (хўжайинга)» (Лубо-Лесниченко 1975: 105).

Бундай услублаштирилган зооморфли тасвирлар ва эзгу тилаклар битилган буюмлар тумор вазифасини бажариб, эгасига қудрат ва улуғворлик бағишлаган.

Ўрта Осиё ва Эрон амалий санъатида сфинксларни жуфт ёки якка ҳолатда тасвирлаш анъанаси мавжуд. Еттисув (XII аср) ҳудудида жуфт сфинкс ва атрофига араб ёзувлари битилган, дастали бронза кўзгу учрайди (Пугаченкова, Ремпель 1965: 213, рис. 229). Термиздаги (XI–XII аср) бронза кўзгу марказида ҳам битта сфинкс тасвирланган ва атрофида араб ёзувлари битилган, дастасиз идиш қайд этилган.

Сфинкс тасвири бронза кўзгулардан ташқари бронза баркашда (Самарқанд музейи), Термиз саройи ва Эрондаги (XII–XIII аср) ўймакорлик буюмларида ҳам учрайди (Пугаченкова, Ремпель 1965: 213).

Хоразмда сфинкс тасвири XIII–XIV асрларга оид Белеули карвон саройи дарвозаси пештоқида ва нумизматик материалларда ҳам акс эттирилган.

Ўрта Осиёда сфинкслар XI–XIV асрлар амалий саънатидаги анаънавий тасвирлардан бирига айланади. Хоразмда сфинкс тасвирларнинг пайдо бўлиши Эрон ва Ўрта Осиё билан маданий алоқаларга боғлиқ ҳисобланади.

IV шакл. Қанотлари ёйилган оқ қуш ёки турна (2, 6-расм) тасвирланган кўзгу. Фрагмент. Қуш атрофи ўсимликсимон нақшларда безатилган. XII–XIV асрлардаги Миздакхон маҳаллаларидан бирида қайд қилинган (ҚТММ: Кп 391, инв 8951/19).

Унга ўхшаш кўзгулар XII–XIII аср бошига оид Талхир ёдгорлигидан топилган (Мухтарова, Железняков, Жумай 2021: 50–52, рис. 4–6). Кўзгу тўртта қисмга ажратилган, ҳар бирида учиб бораётган турна ёки қанотларини ёзган лайлак жойлаштирилган. Уларнинг тўртталаси ҳам бир йўналишда ўнг томонга қараб учишмоқда.

Ўрта Осиёдан ташқарида, унга ўхшаш бронза кўзгулар Узоқ Шарқдаги Хакасия ва Красноярск ўлкалари ёдгорликларида учрайди (Оборин, Савосин 2017: 345–346, рис. 3, 24–25; 3, 74). Бундай кўзгулар дастлаб Хитойда Тан сулоласи (617–907 йй.) даврида пайда бўлган ва бошқа ҳудудларга тарқалган.

Хоразмнинг ўрта асрга оид бадиий буюмларида қушлар тасвири туширилган бўлиб баъзи буюмларнинг дасталари қуш тарзида ясалган. Замахшар, Қизилқалъа ёдгорликларидан металдан қуш шаклидаги қуббалар тайёрланган (ҚРСМ: Кп. 3602, инв. 239).

Ўрта Осиё халқлари санъатида оқ қушлар қадимдан бахт, бойлик, поклик ва муҳаббат рамзи бўлган илоҳий жонзод сифатида тасвирланади.

5-гуруҳ. Ташқаридан келтирилган импорт бронза кўзгулар. Хитойда тайёрланган бронза кўзгулар “Буюк ипак йўли” бўйлаб антик даврдан то ўрта асрлар давомида ташқи савдога экспорт маҳсулот сифатида мунтазам чиқарилган. Уларнинг намуналари Оролбўйи кўчманчилар ёдгорликларида мил.авв. II–I асрлардаги Бедиак-асар, Косасар 2, Олтин асар, Олтин асар-4, Косар 2 қўрғон-мозорларидан учрайди (Баринова 2012: 60–63).

I шакл. Параллел айланасимон халқлар орасига Хитой иероглифларига ўхшаш 8 та белги туширилган (3, 5-расм). Кўзгунинг марказий қисмида кичик тугма тарзли дастаси бор. Кўзгу Жанпиққалъадаги 8-қазишма жойидаги ноёб топилма сифатида қайд қилинган (Доспанов 1992: 67). Ёдгорлик тадқиқотчиси томонидан XII-XIV асрлар билан даврланади.

Унга ўхшаш 8 та иероглифлар туширилган бронза кўзгу Қирғизистоннинг Иссиққўл вилоятидан топилган. Кўзгу айланаси бўйлаб ёзувлар туширилган. Кўзгу Цзинь сулоласи даврига оид ҳисобланади, диаметри 110 мм, қалинлиги 0,4 мм. вазни 290 г. Иероглифларда тун вэй цзин, кэ чжэн и гуань сўзлари туширилган. Ёзувнинг таржимаси: «бронза ойна ёрдамида сиз кийим ва шляпангизни тартибга солишингиз мумкин» (Оборин, Савосин 2017: 148).

II шакл. Жуфт аждарҳо тасвирли кўзгу (3,6-расм). Иккита илон сифатли думли, қанотли жуфт аждарҳо симметрик жойлашган. Аждарҳонинг боши кўзгу марказига эгилган тарзда ва тўлқинсимон кокиллари ташқи чамбар чеккаси томон урилган ҳолатда тасвирланган кўзгу.XIII–XIV асрларга оид Миздакхон маҳаллаларидан топилган. Буюм оқ металлдан (кумуш-?), чеккалари тўлқинсимон саккиз қиррали қилиб ясалган, диаметри 12,5 см га тенг (Кдырниязов М.-Ш. 2000: 70–71).

Аждарҳо тасвирли кўзгулар Хитойда Тан сулоласи даврида пайдо бўлади ва VII–VIII асрларда Хитой саънатидаги янги маҳсулот саналади. Ушбу кўзгулар Сунлар даврида (926–1267 йиллар) ҳам кенг кўламда ишлаб чиқарилган.

Унга ўхшаш кўзгулар XII–XIV асрларда Минусин ботиғи, Увек, Булғор, Янги Сарой, Бельжамен ва Красная Речка ёдгорликларида учрайди (Байпаков, Терновая, Горячева, 2007: 134–135, рис. 218).

Ушбу кўзгулар импорт маҳсулот бўлган, уларнинг нусхалари Олтин Ўрда шаҳарларида тайёрланган. Кўзгу нусхалари сариқ металлдан тайёрланиб, қора платина билан қопланган.

Миздакхон ёдгорлигидаги кўзгу оқ металлдан ясалган, у айнан Хитойда ёки унга яқин ҳунармандчилик марказларида тайёрланган. Кўзгудаги декоратив элементлар Тан даврига оид янгилик бўлса ҳам, улар Цзинь (1115–1234 йй.) ва мўғуллар (XIII–XIV асрлар) даврида Хитойдан то Олтин Ўрдага қадар кенг географик ҳудудда тарқалган.

Хоразмнинг XII–XIV асрларга оид ёдгорликларидаги металл кўзгулар минтақанинг Хитой давлати билан бўлган савдо-иқтисодий алоқаларидан гувоҳлик беради.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Хоразмнинг ўрта асрларга оид бронза кўзгуларининг пайдо бўлиши турли минтақалар билан олиб борилган маданий ва иқтисодий алоқалар билан боғлиқ. Хоразмда қадимдан безатилмаган бронза кўзгулар шакллари мавжуд бўлиб, ривожланган ўрта асрларда ҳам уларнинг анъанавий турларини тайёрлаш давом этган.

Айниқса, Хоразмда XII–XIV асрларда геометрик нақшларда безатилган ва зооморфли бронза кўзгулардан фойдаланиш бирмунча кенгаяди. Кўзгуларнинг тўрт чамбарли, занжир тарзли ҳалқалар, ёйсимон шаклда безатилган (3-гуруҳ) намуналари кенг тарқалган.

Зооморф тасвирли бронза кўзгулар Хоразмда Хитой, Эрон бадиий саънати анъаналари таъсирида пайдо бўлган. Улардан жуфт балиқ, чопаётган тўртта кийик, учаётган қуш тасвирли бронза кўзгуларнинг келиб чиқиши Хитой маданий муҳити билан боғлиқ бўлсада, ушбу гуруҳ кўзгулари Хоразмга XIII–XIV асрларда Олтин Ўрда шаҳарлари ва ва кўчманчилар билан бўлган савдо-иқтисодий алоқалар натижасида кириб келади. Ўша даврда сфинкс тасвирли кўзгулар Хоразмга Эрон ва Ўрта Осиё вилоятлари билан савдо-иқтисодий алоқалари таъсирида кириб келган. Зооморфли тасвирли бронза кўзгуларнинг тарқалишида ислом санъатида ҳайвонотларни услублаштириш услубининг юзага келиши муҳим аҳамият касб этади.

Хоразмлик ҳунармандлар ҳам ўрта асрларда ташқи савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар таъсирида кириб келган бронза кўзгуларнинг баъзиларига тақлид қилишиб, уларнинг нусхаларини тайёрлашни йўлга қўйишган.

Таъкидлаш лозим, XX асрга қадар Хоразм воҳаси халқларининг ижтимоий ҳаётида кўзгулар яхшилик ва толе тимсоли сифатида илоҳий, афсунгарлик ва иримчилик мазмунига эга бўлган. Хоразмда никоҳ кечаси ёшларнинг биргаликда кўзгуга қаровчи “ойна кўриш” номли удуми бўлган. Удумга кўра, келин-куёв келажак ҳаётлари кўзгу мисоли тиниқ, ёруғ ва пок бўлишини ният қилишган (Лобачева, 1960. С. 43). Ушбу удумлар Хоразмда бронза кўзгулар қадимдан илоҳий хусусиятга эга буюм бўлганлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

Байпаков К. М., Терновая Г. А., Горячева В. Д. Художественный металл городища Красная Речка (VI – нач. XIII вв.). Алматы: Гылым, 2007. 304 с.

Баринова Е. Б. Зеркала как источник по истории контактов народов Средней Азии с Китаем в древности и средневековье//Вестник РУДН, серия Всеобщая история, 2012, № 4. С. 57-91.

Богомолов Г. И., Гендельман П. И. Бытовые металлические предметы с городища Канка // ИМКУ. Вып. 25. Ташкент, 1991. С. 137–149.

Вишневская Н. Ю. Ремесленные изделия Джигербента. Москва: Восточная литература, 2001. 176 с.

Доспанов О. Т. Жампыққала – орта әсирлер естелиги. Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. 98 б.

Иванов В. А, Кригер В. А. Курганы кыпчакского времени на Южном Урале (XII–XIV вв.). Москва: Наука, 1988. 92 с.

Кдырниязов М-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII–XIV вв. Нукус: Каракалпакстан, 1989.175 с.

Кдырниязов М-Ш. Зеркала с изображением драконов из Миздахкана // Вестник ККОАНРУ. № 3. Нукус, 2000. С. 70–71.

Лубо-Лесниченко Е. И. Привозные зеркала Минусинской котловины. Москва: 1975. 170 с., 109 илл. Серия: Культура народов Востока.

Литвинский Б. А. Орудия труда и утварь из могильников западной Ферганы. Москва: Наука, 1978. 216 с.

Манылов Ю. П., Кдырниязов М-Ш. Городище Джанпык – кала // Археология Приаралья. Вып. II. Ташкент: Фан, 1984. С. 67–80.

Оборин Ю. В., Савосин С. Л. Китайские бронзовые зеркала. Корпус случайных находок. Красноярск-Москва: 2017. 527 с.

Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана. Москва: Искусство, 1965. 687 с.

Торебеков М., Кдырниязов М-Ш. Археологические раскопки в золотоордынском Миздахане // Археологические открытия. Москва, 1989. С. 464.

Тлегенова Г. Бронзовые зеркала из Золотоордынского городища Миздахан // Қарақалпақстан аймағындағы археологиялық қазылмалар ҳәм олардың ҳәзирги заман тарийх пәниниң раўажланыўындағы әҳмийети. Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары / Жуўаплы редакторлар: Ғ. Хожаниязов, М-Ш. Қдырниязов. Нөкис: 2010. Б. 77–78.

Федоров-Давыдов Г. А. Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. Москва: Изд-во МГУ, 1966. 272 с.

Ходжайов Т. К., Мамбетуллаев М. М. Раннесредневековый некрополь Куюккала. Москва: Институт этнологии и антропологии им. Н. Н. Миклухо-Маклай РАН, 2008. 432 с.

Шавкунов Э. В. Клад чжурчженских зеркал //МИА. № 86. М.: Наука, 1960. С. 235–237.

Ягодин В. Н. Стреловидные планировки Устюрта // Археология Приаралья. Вып.V. Ташкент: Фан, 1991. 204 с.

Қарақалпоғистон Республикаси санъат музейи фондлари (ҚРСМ).

Қорақалпоғистон тарихи ва маданияти музейи фондлари (ҚТММ).

REFERENCES:

Baypakov, K. M., Ternovaya, G. A., Goryacheva, V. D. 2007. *Xudojestvennıy metall gorodisha Krasnaya Rechka (VI – nach. XIII vv.) (The artistic metal of the settlement of Krasnaya Rechka (VI – early XIII centuries).* Almatı: Gılım Publ., 304 (In Russian).

Barinova, E. B. 2012. *Zerkala kak istochnik po istorii kontaktov narodov Sredney Azii s Kitayem v drevnosti i srednevekov`e (Mirrors as a source on the history of contacts between the peoples of Central Asia and China in Antiquity and the Middle Ages).* In *Vestnik RUDN, seriya Vseobshaya istoriya*. №4. 57–91. (In Russian).

Bogomolov, G. I., Gendel`man P. I. 1991.*Bıtovıye metallicheskiye predmetı s gorodisha Kanka (Household metal objects from the Kanka settlement).* In *IMKU (The History of Material Culture of Uzbekistan).* Issue 25. Tashkent, 137–149. (In Russian).

Vishnevskaya, N. Yu. 2001. Remeslennıye izdeliya Djigerbenta (Dzhigerbent handicrafts). Moscow: Vostochnaya literatura Publ., 176 (In Russian).

Dospanov, O. T. 1992. Jampıqqala – orta ásirler esteligi (Dzhanpyk-kala medieval monument). Nókis: Qaraqalpaqstan Publ., 98. (In Karakalpak).

Ivanov, V. A, Kriger, V. A. 1988. *Kurganı kıpchakskogo vremeni na Yujnom Urale (XII–XIV vv.) (Mounds of the Kipchak period in the Southern Urals (12th-14th centuries).* Moscow: Nauka Publ., 92. (In Russian).

Kdırniyazov, M-Sh. 1989. *Material`naya kul`tura gorodov Xorezma v XIII-XIV vv. (The material culture of the cities of Khorezm in the 13th-14th centuries).* Nukus: Karakalpakstan Publ., 175. (In Russian).

Kdırniyazov, M-Sh. 2000. *Zerkala s izobrajeniyem drakonov iz Mizdaxkana (Mirrors with the image of dragons from Mizdakhkan).* In *Vestnik KKOANRU.* №3. Nukus, 70–71. (In Russian).

Lubo-Lesnichenko, Ye. I. 1975. *Privozniye zerkala Minusinskoy kotlovinı(Imported mirrors of the Minusinsk basin).* Seriya: Kul`tura narodov Vostoka. Moscow: 170. 109 ill. (In Russian).

Litvinskiy B. A. 1978. *Orudiya truda i utvarь iz mogil`nikov zapadnoy Ferganı (Tools and utensils from the burial grounds of western Fergana).* Moscow: Nauka Publ., 216. (In Russian).

Manılov, Yu. P., Kdırniyazov M-Sh. 1984. *Gorodishe Djanpık-kala (The sity of Dzhanpyk-kala).* In *AP (Archaeology of the Aral Sea region).* Issue II. Tashkent: Fan Publ., 67–80 (In Russian).

Oborin, Yu. V., Savosin S.L. 2017. *Kitayskiye bronzovıye zerkala. Korpus sluchaynıx naxodok (Chinese bronze mirrors. The case of accidental finds).* Krasnoyarsk-Moscow, 527. (In Russian).

Pugachenkova, G. A., Rempel`, L. I. 1965. *Istoriya iskusstv Uzbekistana (Art History of Uzbekistan).* Moscow: Iskusstvo Publ., 687. (In Russian).

Torebekov, M., Kdırniyazov, M-Sh. 1989. *Arxeologicheskiye raskopki v zolotoordınskom Mizdakxane(Archaeological excavations in the Golden Horde Mizdakhan).* In *AO (Archaeological discoveries).* Moscow: 464. (In Russian).

Archaeological excavations in the territory of Karakalpakstan and their importance in the development of modern history. Proceedings of the Republican scientific-theoretical conference. Corresponding editors: G. Khojaniyazov, M-Sh. Qdirniyazov. Nukus: 2010. P. 77-78 (In Karakalpak).

Fedorov-Davıdov, G. A. 1966. *Kochevniki Vostochnoy Yevropı pod vlast`yu zolotoordınskix xanov (The nomads of Eastern Europe under the rule of the Golden Horde Khans).* Moscow: MGU Publ., 272. (In Russian).

Xodjayov, T. K., Mambetullayev, M. M. 2008. *Rannesrednevekovıy nekropol` Kuyukkala (The Early Medieval necropolis of Kuyukkala).* Moscow: Institut etnologii i antropologii im.N.N. Mikluxo-Maklay RAN Publ., 432. (In Russian).

Shavkunov, E. V. 1960. Klad chjurchjenskix zerkal (A treasure trove of Jurchen mirrors) //MIA. №86. Moscow: 235–237 (In Russian).

Yagodin, V. N. 1991. *Strelovidnıye planirovki Ustyurta (Swept layouts of Ustyurt).* In *AP (Archaeology of the Aral Sea region).* Issue V. Tashkent: Fan Publ., 204 (In Russian).

Funds of the Museum of art of the Republic of Karakalpakstan (QRSM).

Museum of history and culture of Karakalpakstan (QTMM).

BRONZE MIRRORS IN MEDIEVAL KHOREZM

© 2024. Baxit Turganov

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Key words: bronze mirrors, Khorezm, medieval monuments, floral and geometric ornaments, a pair of fish, deer, sphinx, zoomorphic images, Chinese samples, Islamic art, economic and cultural connections.

The article analyzes bronze mirrors found in the medieval monuments of Khorezm. The chronological boundary of the theme is determined by the 6th–14th centuries. The origin of bronze mirrors in the medieval monuments of Khorezm has been studied based on comparison with their similar types in neighboring regions. Transformational changes and innovations in bronze mirrors have been identified and classified in accordance with their features of decorating ornaments. In the Khorezm monuments dating from the 6th to the 11th centuries, there are mirrors crafted in accordance with ancient traditions, lacking any decorative elements. Zoomorphic bronze mirrors decorated with geometric and floral ornaments were especially widespread in Khorezm in the 12th-14th centuries. During this period, trade-economic and cultural connections with the Golden Horde and the nomads of Eastern Europe served as the main factor in the penetration of bronze mirrors of various forms into Khorezm. Some forms of bronze mirrors imported to Khorezm were made by local craftsmen. The article presents historical information about the symbolic, aesthetic, magical properties and sacred functions of medieval bronze mirrors in the social life of Khorezm. In addition, it highlights the role and significance of bronze mirrors in the material and spiritual culture of Khorezm.